O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 17 декабрь, №273 (3101) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. «Обод маҳалла йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисобласин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими — туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини, маҳалла қўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини (даромад ва харажатлари), мазкур маблағларни сарфлаш ҳамда ўз балансидаги асосий фондлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб берилишини кўзда тутган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқ маъно-мазмун билан тўлдириш юзасидан танқидий таҳлил ўтказиш;

— маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— маҳалланинг маънавий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Маҳалла ва унинг тузилмалари томонидан аҳолига анъанавий урф-одатлар, тўй-маъракалар, дафн маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, умуман мамлакат аҳолисининг муайян тоифаларига молиявий-моддий ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун маблағ излаб топиш, унинг манбаларини аниқлаш Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилсин:

а) кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;

б) ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал хизмат тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш;

г) маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қуришда тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида «Обод маҳалла йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Шу муддат ичида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 декабрь.



Ишчи номини улуғлаб

Иккиламчи рангли металл парчалари саноат учун муҳим хомашё ҳисобланади. Мамлакатимизда бундай қимматбаҳо хомашё заҳиралари етарлидир. Барча вилоятларда уларни йиғувчи махсус бригадалар тузилган. Тўпланган рангли металл парчалари эса «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятининг Сирғали туманидаги корхонасида қайта ишланади.

— Бу корхонада 18 йилдан буён ишлаб, ишчи номини улуғлаб келаяпман, — дейди юклагич ҳайдовчиси Наримон Залямиддинов. — Ҳалол меҳнатим туфайли жамоада ҳурмат-эътибор қозондим. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?

СУРАТДА: Наримон Залямиддинов.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ийд-ал-Фитр муносабати билан тинчлик истакларини йўлламоқдаман.

Президент жаноблари, Сиз ҳар доимгидек Ҳақиқат тарафда бўлиб Ёлғонга қарши собит туришда давом этмоқдасиз. Америка олий ислом кенгаши раҳбари сифатида ўз номимдан, ходимларимиз ва ташкилотимизнинг АҚШдаги аъзолари номидан Сиз Жаноби олийларини Ийд-ал-Фитр билан қутлаб, Сиз Жаноби олийлари ва халқингизга самимий ҳурмат-эҳтиром туйғуларини йўлламоқдаман. Биз — Америкадаги мусулмон жамоатчилиги Сизнинг умуман Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон учун амалга оширган улкан ишларингизни юксак баҳолаймиз. Сиз Ўзбекистон заминида камол топган ислом оламининг буюк мутафаккирлари — Исмоил ал-Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанддан мерос диний билимлар борасида мамлакатингизни яна етакчи ўринга олиб чиқдингиз. Америка мусулмонлари мамлакатингиз эшикларини иймон-эътиқоднинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш йўлида очиб берганингизни беҳад қадрлайди.

Президент жаноблари, Америка мусулмонлари Сиз Жаноби олийларининг Марказий Осиёдаги нуфузингиз, хусусан, минтақада барқарорликни таъминлаш борасида «Марказий Осиё арслони» бўлиб етакчилик қилаётганингизни тушунишади. Америка мусулмонлари терроризмга қарши кураш борасидаги барча қарорларингизни қўллаб-қувватлайди. Худди Сиз каби бизлар ҳам хоҳ у диний ё ғоявий, хоҳ маданий ёки жўғрофий бўлсин, террорчиликнинг барча кўринишини кескин қоралаймиз. Шу сабабдан мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилиш биз учун ҳар доимгидек шарафлидир. Қолаверса, Сиз Жаноби олийларининг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги фаолиятингизни ва бутун Марказий Осиёдаги етакчилигингизни доимо юксак баҳолаймиз.

Сиз Жаноби олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини яна бир карра Ийд-ал-Фитр билан муборакбод этамиз.

Самимият ила,

Шайх Муҳаммад Ҳишам ҚАББОНИЙ
Америка олий ислом кенгаши раиси.

4 декабрь, 2002 йил.

Олий таълим: ислоҳот ва самаралар

Интеллектуал салоҳият — Ватан хизматига

Ҳаётимиз узлуксиз ривожланишда. Ривожланиш жараёни, моҳиятан янгиланишни, ҳаётга янгиликларнинг кириб келишини англатади. Масалан, Ўзбекистон олий таълим тизимида сўнгги йилларда "бакалавриат" ва "магистратура" босқичлари пайдо бўлди. Таълим амалиётида туғилган бу янгиликлар халқимизнинг тил бойлигига ҳам кирди.

"Бакалавр" қадимги лотинча "бакалавриус" сўзидан олинган бўлиб, ривожланган хорижий мамлакатларда дастлабки олий таълим даражасини англатади. "Магистр" эса бакалаврлик ва фан доктори унвонлари ўртасидаги бир илмий даражани билдиради. Бу унвон университет ёки унга тенглаштирилган олий таълим муассасаларини битирган, бакалаврлик босқичидан кейин бир ёки икки йил мобайнида қўшимча таълим босқичини тамомлаган, ихтисосликлари бўйича махсус синовлардан ўтган ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган талабаларга берилади. Россияда ҳам ўтган асрда магистрлик дастлабки илмий даража ҳисобланган. Аммо бу қандай ҳавас қиларли илмий даража! Масалан, Н.Г.Чернишевскийнинг (1828-1889) магистрлик диссертацияси "Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати" деб аталади. Бу тадқиқот ўша даврда рус илмий тафаккурида ғоятда катта воқеа бўлганлигини, ана шу илмий иш рус ижтимоий онгини уйғотувчи бир маънавий ҳодисага айланганлигини инобатга олсак, магистр деган ном тарихда нақадар қадрланганини тасаввур этиш мумкин...

Хуллас, мустақиллик йилларида биз ўз таълим тизимимизни энг илғор халқаро андозаларда қайта ташкил этиш имкониятларига эга бўлдик. Жумладан, олий таълимда чуқур ислоҳотлар бошланиб, бу, энг аввало, олий таълимни бакалавриат ва магистратура босқичлари тарзида қайта шакллантиришдан бошланди.

Бундай ислоҳотдан муддао нима эди? Албатта, энг аввало, таълимнинг сифатини тубдан яхшилаш бош муддаодир. Буни тасаввур этиш учун атиги битта далил келтирамиз. Маълумки, ҳар йили олий таълим муассасаларининг бакалаврлик босқичини ўн минглаб талабалар битириб чиқади. Энди мана шу бакалаврлик даражасида олий таълимни эгаллаган ёшлар орасидан энг иқтидорли кишилар саралаб магистратурага қабул қилинади. Масалан, ўн минглаб бакалаврлардан сараланган 1829 нафар биринчи магистрлар 2000-2001 ўқув йилида магистратура босқичини битириб чиқди. Улардан 220 нафари илмий-тадқиқот соҳасида фаолият кўрсатишга йўлланди. Қолганлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб ишламоқдалар.

Магистратурага қабул қилишда бакалаврларнинг 4 йиллик ўқиш жараёнидаги рейтинг кўрсаткичлари, билим, малака савияси, одоб-ахлоқи, турли даражадаги илмий-амалий анжуманларда иштирокининг сифати ва бошқа мезонларга амал қилинади. Магистратурага ўтишдаги кучли рақобатнинг талабалар тарбиясидаги роли катта.

Шу ўринда, бизнингча, бир изоҳга зарурат бор. Гап шундаки, олий таълим муассасаларини, ўрта махсус таълим тизимини бугун кўплаб ёшлар битириб чиқаяпти. Аммо уларнинг ҳаётдаги ўрнини белгилашда жойларда анча-мунча ноаниқликлар туғилмоқда. Масалан, бакалаврлар ва магистрларни иш билан таъминлашда уларнинг билим, савия даражаси ўзига муносиб эътиборни талаб қилади. Лекин бу борада муаммолар учраб турибди.

Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда махсус ҳужжат ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатдилар. Бу ҳужжат — бакалавр ва магистр даражасида маълумотларга эга мутахассислар давлат органлари, муассаса ва ташкилотларда эгаллаши мумкин бўлган лавозимларнинг намунавий рўйхатидир. Унда бакалаврлар ва магистрлар қандай лавозимларда ишлаши мумкинлиги очиқ-ойдин кўрсатилган.

Ўзбекистон ўзининг келажаги ишончли магистрларини астасекин вояга етказмоқда. Тошкент давлат техника университети "АСУ" факультети магистри Тоҳир Абдукаримовнинг автоматик тадқиқотга доир олиб бораётган тадқиқоти Бауман номидаги Москва давлат техника университетида бўлиб ўтган "Келажак сари дадил қадам" мавзуидаги талабалар халқаро илмий анжуманида юксак баҳога сазовор бўлди. Россиялик олимлар унинг салоҳиятига тан бердилар. Тоҳир Абдукаримов Россия Ёшлар фанлар академияси аъзолигига сайланди. Бу — ўзбек магистри бугун нималарга қодир эканлигининг атиги битта мисоли, холос.

Бугунги ўзбек магистрлари замонамиз кадрларидир. Яъни ишлаб чиқариш компьютерлаштирилаётган ва автоматик бошқарувга ўтказилаётган давр талабаларидир. Бундай таълим яқин ўтмишда йўқ эди. Иккинчидан, ишлаб чиқаришга энг илғор хорижий технологиялар жадал равишда кириб келаётган бир даврда яшаяпмиз. Бундай технологиялар ичида ишлаш ва уларни бошқариш учун талаба энг замонавий муҳандислик билим ва кўникмаларига эга бўлмоғи лозим. Ҳозирги бакалавр ва магистр талабалар энг сўнгги жиҳозлар билан янгиланган илмий-ўқув лабораторияларида, янги технологиялар билан қуролланган корхоналарда замонавий билимларга эга бўлмоқдалар. Бунинг устига, профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда кўплаб магистрант-талабалар ҳам хорижий илмий ва ишлаб чиқариш марказларига сафарбар этилмоқда. Таълимдаги бундай фаол халқаро интеграция ҳам аввал йўқ эди.

Яна бир қиёс. Маълумки, яқин ўтмишда талабалар ўзбек тилидан ташқари рус тилини пухта билса, ҳаётда катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўларди. Бугун эса талабалар, айниқса, магистрлар ҳеч нечта тил тилларини биладилар. Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг магистрант-талабалар учун таъсис этилган Давлат стипендияларининг 2002-2003 ўқув йилидаги биринчи стипендиатлари рўйхати ва уларнинг таржимаи ҳоллари эълон қилинди. Жумладан, Самарқанд давлат чет тиллар институти магистри Комила Раҳимова таржимаи ҳолида шундай дейилади: "У рус, инглиз, корейс ва турк тилларини, компьютерни пухта эгаллаган". Биз яқин ўтмишдаги Ўзбекистон талабалари орасидан бундай полиглотларни (кўп тилларни билувчиларни) топа олармидик? Йўқ, албатта! Бундай талабалар бугун, Ўзбекистон мустақиллиги шароитидагина вояга етмоқда.

Бундан ташқари, Президент стипендиатига сазовор бўлган магистрантлар шуғулланаётган илмий ишларини айтмайсизми?! Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, техника, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида улар шундай долзарб илмий мавзуларни ўзлари учун тадқиқот мавзуари этиб белгилаган ва тадқиқотчиликда дастлабки қувонарли кашфиётларга эришмоқдаларки, бундай савиядаги талабаларни

(Давоми 2-бетда).

Нонинг нархи нега ошмоқда?

Нон ва нон маҳсулотлари халқимиз томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган неъматдир. Уларни сифатли, мазали қилиб тайёрлаш, нархини бир маромда ушлаб туриш тўғрисида ҳукуматимиз доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Шунингдек, бу ишни назорат қилиш мутасадди идоралар зиммасига юкланган. Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туришдек хайрли ва савобли вазифа эса «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда ушбу маҳсулотларнинг нархи кўпчиликка билинмаган тарзда бўлса-да, ошиб бормоқда. Бу, табиийки, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Хўш, нега бундай аҳвол юзага келмоқда? Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг 4 декабрида «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра, тузилган махсус комиссия томонидан таннархнинг шаклланиш динамикаси, хомашёдан тайёр маҳсулот ҳолига келгунга қадар бўлган харажатлар, нарх сиёсатининг эркинлаштирилиши билан бирга, тизимдаги корхоналарнинг моддий-техника, меҳнат ва молиявий ресурслардан қандай фойдаланилаётганлиги ўрганиб чиқилди.

Шу нарса маълум бўлдики, ун ишлаб чиқариш корхоналарида 2001-2002 йилларда маҳсулот тайёрлашдаги ортиқча харажатлар 60.9 фоиз, дон қабул қилиш корхоналарида 42.3 фоизга ошган. Афсуски, бу нон ва нон маҳсулотларининг таннархига қўшилган. Электр энергияси, сув, газ, транспорт харажатларидан исроф-гарчилик билан фойдаланилаётганлиги натижасида ана шундай аҳвол юзага келган. Ҳатто, баъзи корхоналарда раҳбарлар қўшалоқ хизмат машиналари, уяли алоқа телефонлари харид қилиб, улардан фойдаланишган. Ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари кўрсатиб, ушбу харажатни ҳам таннархга қўшишган. Ишлаб чиқаришга зарур бўлган эҳтиёт қисм ва бошқа зарур воситалари тендерга қўймай, ўзлари белгилаган нархларда сотиб олишган. Айрим корхоналарда зарурат бўлмаса-да, қўшимча штатлар жорий қилинган. Жарима ва пенялар ҳам маҳсулот таннархига киритилган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Андижон вилоятидаги «Ризқ» акциядорлик жамиятида ўтган 2 йилда 1,8 миллион сўмлик транспорт харажатлари, 866 минг сўмлик амортизация тўловлари, 8,1 миллион сўм миқдоридаги жарима ва пенялар маҳсулот таннархидан ўрин олган. Корхонада бултур ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга камайганлигига қарамасдан, унда меҳнат қилаётганлар сони 45 тага кўпайган. Бундай аҳволни «Нукус нон» ва тармоқдаги бошқа корхоналар фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Албатта, ҳукуматимиз томонидан бундай ноқонуний ишларга чек қўйилмоқда ва айбдорлар қилмишларига яраша жазоланиши шубҳасиз.

Кеча «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясида юқорида номи қайд этилган ҳукумат қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков олиб борди. Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов, муҳокама қилинаётган масалага дахлдор вазирлик, қўмита, молия муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўнгги хабарлар

Андижондаги "Электроаппарат" заводи кейинги йилларда ўз мавқеини анча тушириб юборганди. Бунга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифат жиҳатидан талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлганди, Раҳбарият янгиланди, ташаббускор, янгиликка ўч мутахассислар корхонада ишлашга таклиф этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Корхона оёққа турди. Истеъмол бозорида харидоргир, пишиқ-пухта, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. "ЎзДЭУ авто" қўшма корхонаси учун бутловчи электр ускуналар тайёрлашга бу-юртмалар олинди.

«Электроаппарат»нинг сири нимада?

Яқиндан бошлаб ҳиссадорлик жамиятида "ОПВ" русумидаги электр шкафлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу каби шкафлар мамлакатимиздаги қатор қурилишлар учун сув билан ҳаводай зарур.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Буюк Бобур ворислари

Най ноласи... У гўё кўз илғамас сеҳр ила кўнгил уммонига ғарқ бўлади ... Ва сизни олис мозий сари чорлайди. Шоирнинг "Андижонда Тожмаҳал йўқ", дея қилган нолиши қулоғингизга элас-элас эшитилгандай бўлади. Таниқли кинорежиссёр Собир Назармуҳаммедов яратган "Буюк Бобур ворислари" ҳужжатли фильмини томоша қилар экансиз, қалбингизда аллақандай фахрланиш, ғурурланиш туйғуси зоҳир бўлиши муқаррар. Фильм бобокалонимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрган йўлларни кўзларига тўтиё қилган, унинг бой ва буюк меросидан нафақат ўзи, балки миллион-миллион юртдошларини ҳам баҳраманд этиш каби савобли ишга қўл урган фидойи инсон бобуршунос Зокиржон Машрабов ҳақида.

Маълумки, Зокиржон Машрабов қарийб йигирма йилдан буён Бобур меросини ўрганиш билан шуғулланиб келади. У бобокалонимиз юрган йўллар бўйлаб ташкил этилган экспедицияларга раҳбарлик қилди. Қамчибек Кенжа сценарийси асосида яратилган ушбу фильмда

(Давоми 2-бетда).

АМНИСТИЯ — ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг ижроси тегишли идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши унинг аҳамиятини ошириб, мазмун-моҳиятини янада бойитади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишни бошқарган ички ишлар вазири ўринбосари Р.Қодиров Президентимиз имзолаган ва ҳар бир бандида юксак бағрикенглик, инсонпарварлик намойиллари акс этган мазкур Фармон жамиятимизда улкан воқеа бўлганини қайд этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби намойиллари кучайиши ва амалда кенгроқ қўлланилишини таъминлашга эришилмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа сифатида нишонланган Бош қонунимиз — Конституциянинг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган Президент Фармони ўзининг амнистия бўйича таъсир доираси кенглиги билан бу борадаги йирик қадамлардан бири бўлди.

Фармон ижросини сифатли ва тўлиқ таъминлаш борасида айни чоғда махсус Низом ишлаб чиқилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига етказилди. Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасалари ходимлари, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш, маҳаллий бошқарув органлари вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётир.

Фармоннинг моҳиятини фуқаролар ҳамда амнистия татбиқ этилиши қутилаётганларга тушунтириш ишларини йўлга қўйишда мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Озод қилинаётганларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида кўмаклашиш жараёнидан ҳеч ким четда турмаслиги, жамиятимиз муҳитини соғломлаштиришда барча юртдошларимиз фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари Фармоннинг ҳар бир банди юзасидан йиғилганларга тушунтириш берди, саволларга жавоб қайтарилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Доимий комиссияларда

Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши ҳу: урида 7 та доимий комиссия фаолият кўрсатаяпти. Бу комиссиялар вилоятдаги кенг кўламли масалалар: бозор иқтисодиётини ҳаётга кенг жорий этиб бориш, сайловчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини ташкил қилиш каби масалаларда фаол иштирок этишаяпти.

Муаммо жойида ҳал бўлади

Фарғона шаҳар бозорининг кўзга кўринарли жойларидан бирига халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг ишонч телефони ёзилган эълон илиб қўйилибди. Албатта, ишонч телефонлари эндиликда янгилик эмас, лекин фуқаролар билан мулоқот қилишнинг бундай усули доимий комиссиялар томонидан қўлланилаётганлигини эшитиб, анча таажжубландим.

— Нега таажжубланасиз? — сўрайди комиссия раиси Аббосхон Аҳмедов. — Комиссиямиз атиги 6 кишидан иборат. Биз учун мулоқотнинг энг қулай ва синалган йўли телефон алоқаси. Ҳозир кўпчилик ҳал бўлмаётган масалалар юзасидан, раҳбарларнинг тўраларча муносабатлари хусусида қўнғироқ қилиб турибди. Биз бирорта қўнғироқни ҳам эътиборсиз қолдирмаймиз. Яқинда Фарғона шаҳрида яшовчи Гулнора Белгибоева ишонч телефони орқали қўнғироқ қилди. Комиссия аъзолари тегишли муассасалар орқали бу фуқаронинг муаммосини ҳал қилиб беришди.

Доимий комиссия халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида тасдиқланган режа бўйича иш юритаяпти. Унинг навбатдаги йиғилишида Қува туманида Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-сиёсий вазиятни янада яхшилаш ва диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини атрофлича ўрганиб, муҳокама қилди.

Бу масаланинг айнан Қува тумани мисолида ўрганилиши бежиз эмас. Чунки бу ерда ижтимоий меҳнат билан шуғулланмаётган фуқаролар сони 6 мингтадан ошиб кетган, нотинч оилалар сони 176 тани ташкил этади. Бундан ташқари туманда қамоқ жазосини ўтаб қайтганлар 289, рўйхатдан ўтмай яшаётганлар 76, турли сабаблар билан туман ташқарисида юрганлар эса 160 нафарни ташкил этар экан. Сўнгги йилларда бу ерда гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчилар сони ҳам кўпайгани комиссия аъзоларининг эътиборини тортди.

Бундан ташқари, тумандаги масъул идоралар тақдим қилган маълумотлар жойлардаги ҳолатлар билан унчалик тўғри келмаётганлиги ҳам комиссия аъзоларини ўйлантириб қўйди. Чунки туманнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Баҳор қишлоқ фуқаролар йиғинидаги вазият атрофлича ўрганилганда, манзара анча ташвишли эканлиги кўзга ташланди. Фуқаролар йиғини тасарруфидаги ҳудуднинг 12 километри Қирғизистон билан чегарадош. Қишлоқда 11 нафардан иборат чегара посбонлари гуруҳи ташкил этилган. Уларга хона ажратилган, лекин зарурий ашёлар, асбоб-ускуналар билан таъминланмаган. Гуруҳ аъзолари билан тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам талаб даражасида эмас. Туман ички ишлар бўлимидан берилган маълумотномада фуқаролар йиғини ҳисобида туриб, бир неча йиллардан буён бошқа жойларда яшаётган фуқаролар сони 63 нафар деб кўрсатилган. Доимий комиссия вазиятни ўрганганда, бундай «бедарак» кетган ҳамқишлоқлар 160 нафардан ортиқ эканлиги аён бўлди. Хўш, кўпчиликнинг эътибори ва назаридан четда қолган тақдирлар билан ким шуғулланади? Айнан шу маҳаллада ақидапарастлик оқимига мойил ёшларнинг борлиги кишини ташвишга солади.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида 11 мингдан зиёд аҳоли, салкам 3 мингта оила истиқомат қилади. Шундай катта ҳудудда бор-йўғи битта телефон бор. Бунинг устига фуқаролар йиғинига вилоят, туман ҳокимлиги, юқори ташкилотларнинг қарор ва фармойишлари ҳам вақтида етиб келмайди. Йил давомида туман ҳокимлигининг фақат 3 та ҳужжати фуқаролар йиғинига етиб келиб-ди. Бундай шароитда мамлакатимизда олиб борилаётган жуда катта ижтимоий-сиёсий ишларни ким оммага, аҳолига, сайловчиларга етказади? Бу чекка қишлоқдаги тарғиботташвиқот ишларининг ўлдажўлдалиги ҳам эътиборсизлик оқибати эмасмикин?

Комиссия йиғилишида туманда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам анча муаммоли масала эканлиги очиқ-ойдин айтилди. Туманда рўйхатдан ўтган 1878 нафар ишсиз бор экан. Ҳисобда турмаганларичи? Балки, ишчи ўринлари етарлимасдир? Бу саволларга бемалол ижобий жавоб бериш мумкин. Чунки биргина Қува шаҳридаги саноат корхоналарида қўплаб иш жойлари мавжудлиги аниқланди. Гап ишсиз фуқаронинг қайси ҳунарга, касбга мойиллигини аниқлаб, фаолиятга йўналтириш, яъни ташкилотчиликда экан. Қамоқ жазосини ўтаб қайтган 113 нафар фуқаронинг ҳали ҳам муқим ишга жойлашмагани комиссия йиғилишида алоҳида таъкидланди. Яқиндагина жазони ўташ жойидан қайтган, ҳали фаол ҳаётга киришолмаётган шахсларни қўллаб-қувватлаш керак.

Доимий комиссия бу борада туман ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган ишга атрофлича баҳо берди. Ҳокимликка янги иш жойларини яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, бу борада меҳнат ярмаркаларини уюштириш зарурлиги ҳақида тавсиялар берилди. Бу ижтимоий иллатларни бартараф қилишга «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолларини жалб қилиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Шу йилнинг иккинчи ярмида доимий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонунлари ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича Олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва коллежларида олиб борилаётган ишларни ўрганди. Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш бўйича Фарғона давлат университети ва политехника институтида олиб борилаётган ишлар комиссиянинг сайёр йиғилишида муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, доимий комиссиянинг ташаббуси билан Қўқон шаҳрида «Обод шаҳрим» деб номланган махсус лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳани амалга оширишдан мақсад юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Ҳўқанди латифни нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиёдаги энг обод, озода ва кўркам шаҳарга айлантиришдан иборат. Лойиҳа бўйича «Энг озода маҳалла» ҳамда «Энг фаол санитар» номли мусобақалар уюштирилди.

Агар Қўқон шаҳри кўчаларини айлансангиз, чиқиндилар тўпланадиган жойдаги оқ, қора, яшил рангдаги целлофан қопларни кўриб, ҳайрон бўлманг. Чунки бу қоплар ҳар бир хонадонга «Обод шаҳрим» лойиҳаси бўйича тақдим қилинган. Илгарилари барча чиқиндилар қориштириб ташланарди. Энди эса оқ рангдаги қопларга озиқ-овқат, яшил қопга эса қайта ишланадиган чиқиндилар солинади. Бу чиқиндиларни машинага ортиш, туширириш, ажратиш учун ишчи кучи жалб қилишни доимий комиссия ва шаҳар ҳокимияти ўз зиммасига олган. Лойиҳанинг иккинчи қисмида эса шаҳар ташқарисида чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхона барпо қилиш режаси кўзда тутилган.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интеллектуал салоҳият — Ватан хизматига

(Давоми. Боши 1-бетда).

яқин тарихда биз учратмаганмиз. Тўғри, иқтидорли, интеллектуал салоҳиятли ёшлар доимо топилади. Аммо уларга бугунгидай шароит, имкониятлар яратилмаган. Шу боисдан, ўзларида бор имкониятларни тўла-тўкис юзага чиқара олмаганлар.

Ўзбекистонлик магистрлар ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, яна бир ҳақиқатни айтмасдан ўта олмаймиз. Шу йилнинг баҳор ойларида Тошкент давлат аграр университетида университет ректорининг магистрлар билан очиқ мулоқоти бўлди. Камина ҳам мухбир сифатида шу суҳбатда иштирок этдим. Магистрлар орасида чет эллардаги нуфузли олий таълим марказларида ўқиб келган бир неча магистрант-талабалар ҳам бор эди. Уларни бошқалар саволларга кўмиб ташлашди. Жумладан, Ўзбекистондаги ва чет элдаги таълимнинг ўзига хос жиҳатларини қиёслашни сўрашди. Шунда АҚШда малака оширган магистрант қиз бир ҳолатга залдагилар эътиборини қаратди:

— Мен, масалан, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти бўйича магистрлик илмий иши устида ишлаяпман. Айни пайтда, қишлоқ хўжалик агрономияси, агрохимия, агротехника, ўсимликлар биологияси бўйича ҳам олий таълимга эгаман. Бироқ АҚШда талабалар бизлардай атрофлича, фундаментал билимга эга эмас. Ҳатто профессорлар ҳам аниқ бир мавзу ёки илмий муаммога ихтисослашган. Хорижий талабалар фундаментал билим соҳасида бизлар билан беллаша одмайдилар. Шу маънода, ҳатто хорижий профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон магистрларининг кенг кўламли билимидан ҳайратланадилар, — деди у.

Худди шу сабабли бўлса керак, ўша хорижий олий таълим марказларининг раҳбарлари "Умид" жамғармасига мактуб йўллаб, ўзаро шартнома асосида айрим энг иқтидорли магистрларимизни муайян муддатга ўз ўқув даргоҳларида ёки илмий-амалий марказларда олиб қолишни истамоқдалар...

Ватанимизда магистратура таълимига давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда. 2001 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўқишни муваффақиятли тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олган илк магистрларни сидқидилдан, оталарча табриклаб, уларга катта ютуқлар тилади.

Шуни айтиш керакки, магистратура бўлимларини битириб чиқаётган ёш мутахассислар республикамиздаги корхоналар ва ташкилотларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу сабабли, олий таълим тизимида магистрлар тайёрлаш миқдори йил сайин кўпаймоқда. Агар 2000-2001 ўқув йилида 1829 нафар магистр ўқишни битириб чиққан бўлса, 2001-2002 ўқув йилида 2903 нафар магистр ҳаётга йўлланма олди. Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда эса магистр кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, магистр кадрларга талаб ҳозирги кунда магистратураларда ўқиётганлар миқдоридан 2-3 баробар кўп. Айниқса, таълим-педагогика соҳасида уларга эҳтиёж катта.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси ишга жойлашаётган магистрларнинг 2 йиллик мониторингини амалга оширди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент Молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, СамДУ, Тошкент давлат педагогика университети магистрларига буюртмалар йил сайин кўпаймоқда.

Шу ўринда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда бу даргоҳдаги магистратуранинг ибратли тажрибалари тўғрисида алоҳида тўхталмоқчимиз. Бу институт ўз рейтинг кўрсаткичларига кўра, республика олий таълим муассасалари ўртасида энг юқори ўринни эгаллаб келяпти. Институт ўқув-тажриба лабораториялари халқаро андозаларда жиҳозланган. Профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилиги хорижий давлатлардаги нуфузли, турдош илмий ва педагогик марказларда малака ошириб қайтганлар. Магистрлар ҳам чет давлатлардаги ўқув марказларига бориб келяптилар. Бу ерда магистратурага қабулга катта масъулият билан ёндашилади. Масалан, 1999 йилда 12 та мутахассислик бўйича 300 нафар бакалавр-талабалардан фақат 77 нафари магистратурага қабул қилинди. Шу билан бирга, институт магистратурасига қабул миқдори йил сайин кўпайтириб борилмоқда. Жумладан, бу йил 121 нафар бакалаврга магистрант бўлиш насиб этди. Бунинг сабаби шуки, институт магистрларига талаб-эҳтиёж ортиб бораяпти. Қизиғи шундаки, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳар йили ўз магистрларини аукцион усулда ишга жойлаштирмоқда. Бу жиҳатдан ҳам улар республикада ҳозирча ягонадир.

Ҳозирнинг ўзида бу институт магистрлари орасидан давлат идораларида, ташкилотларда, муассасаларда, корхоналарда энг масъул лавозимларда муваффақиятли ишлаётган магистрлар бир талай.

Ана шундай. Магистр кадрларимизнинг мутахассислар бозоридаги мавқеи тобора баланд бўлиб бормоқда. Энг салоҳиятли магистрлар ўзлари билан ишлаб чиқаришга ва маънавий жабҳаларга янги билим, кучли замонавий малака, изланиш ва интилишларни олиб келмоқдалар. Иқтидорли магистрлар мамлакатда қанча кўпайса, умумий ривожланишимизда уларнинг ўрни ва таъсир кучи шу қадар самарали ва салмоқли бўлиб бораверади.

Михли САФАРОВ.

Қарор ва ижро

Растанинг асл молга тўлгани яхши-да. Бундан биринчи навбатда харидор манфаатдор. Ҳукуматимиз томонидан кейинги пайтларда қабул қилинган қатор қарорлардан мақсад-муддао ҳам шу. Истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, унга бўлар-бўлмас, усти ялтироғу ичи қалтироқ маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш. Аммо, шунча саъй-ҳаракатлардан етарли хулоса чиқармай, ҳамон тўғри йўл қолиб, эгрисидан одимлаётганлар орамизда бор. Осон йўл билан бойишни, қонунни бузиш ҳисобига ҳамёнини қаппайтиришни мақсад қилган бундай кимсалар Наманган вилоятида ҳам борлигига ачинади киши.

Айланма йўлни кўзламанг

Вилоят марказининг Соли Адашев кўчасида истиқомат қилувчи Н.Сайдуллаев Хитойда ишлаб чиқарилган 55 миллион 885750 сўмлик товарни қирғизистонлик ҳамтовоқларидан кўтарасига сотиб олиб, уни манзилига етказишга келганда боши қотди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, божхона назоратини четлаб ўтишга жазм қилди ва "Карвон-Мамай" айланма йўлига от солди. Бироқ режаси натижасиз қолди. 19982 метр костюмбоп газлама, 12964 метр астарликни божхона тўловларисиз пуллаб, анчагина ақча жамғаришни мўлжаллаган "тадбиркор"нинг борар манзилини вилоят прокуратураси ва божхона ходимлари яқин қилишди.

Шаҳарнинг Балиқчи кўчасида яшовчи Б.Нуриддинов ҳам устаси фарангликда ҳамкасбидан қолишмас экан. Унинг ўз автомашинаси билан Қирғизистонга сафари муваффақиятли якунланган бўлса-да, савдоси охирига етмади. Қўшни мамлакат акциз маркаси ёпиштирилган 500 қути "Карвон", 500 қути "PINE" ҳамда маркасиз 870 қути "Астра", жами 465 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда юртимизга олиб келиб, фуқаро К.Султоновга сотаётган бу шахснинг қилмиши ҳам очилди-қолди.

Божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишни мўлжаллаганлар орасида Косонсой шаҳрида яшовчи А.Турғунов ва М.Дадабоевлар ҳам бор. Икковлон Қирғизистонда тайёрланган 81900 сўмлик спиртли ичимликни мамлакатимиз ҳудудига божхона баённомасида кўрсатмаган ҳолда олиб кираётганларида назоратчилар қўлига тушишди. Охир-оқибат кўзлаган фойдалари саробга айланиб, моллари мусодара қилинди.

— Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори диққат-эътиборимизда, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Жамолиддин Низомов. — Жумладан, кейинги икки ой мобайнида ана шу ҳужжат талаби бузилиши билан боғлиқ 1700 ҳуқуқбузарлик, 33 та жиноий ҳолат аниқланиб, айбдорлардан 258 миллион 140 минг сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинди.

Тўғри, тадбиркор ва тижоратчиларнинг истеъмол бозорини тўлдиришда ўзига яраша ўрни бор. Бироқ уларнинг фаолияти қонун доирасида бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, юқоридаги шахслар сингари мўмай даромад дея чўғни ушлаб олиш ҳеч гапмас. Ушбу оддий ҳақиқатни тан олмаган 1206 тижоратчи маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 79 миллион 723 минг сўмлик буюмлари мусодара қилингани шундан.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган тадбирлари дуруст самара бермоқда. Чунончи, айтиб ўтилган қарор мазмун-моҳиятини англаб етиб, қонун доирасидаги ҳаракатлари билан бозорни тўлдираётган тадбиркор-тижоратчилар сафи кенгаймоқда. Улар сифати кафолатланган, пишиқ-пухта моллар келтиришаяпти. Тобора зичлашаётган расталар, гавжумлашаётган бозорни кўриб бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ёғочга жило бериб...

Қарши шаҳридаги ёғочга қайта ишлов бериш корхонасида ишлаб чиқарилаётган ромэшикларга харидорлар кўпаймоқда. Бунинг боиси — тайёрланган маҳсулот жуда сифатли ва бежирим.

Корхона усталари шу йилнинг ўзида режадаги 70 миллион сўм ўрнига 89 миллион 468 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

— Яқинда россиялик ишбилармонлар билан шартнома туздик, — дейди корхона директори Исмоил Юсупов. — Бу эса, албатта, корхона равнақига катта ишонч демакдир.

СУРАТДА: корхона устаси Зариф Шарипов иш устида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Буюк Бобур Ворислари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бобур номидаги халқаро жамғарма раҳбари Зокиржон Машрабов ва унинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган халқаро экспедициялар натижалари тасвирга олинган. Ҳозирга қадар Бобур юрган йўллар бўйлаб саккиз марта экспедиция ташкил этилди. Бобоқалонимиз ҳаёти, ижоди ҳақида янги-янги манбалар топилди, ўрганилди. Шу билан бир қаторда, Бобур қадами теккан хорижий мамлакатларда Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар, халқимизнинг бой маънавий мероси, осори атиқалари ҳақида суҳбатлар, учрашув ва кечалар уюштирилди. Зокиржон Машрабов бошлаган ишнинг яна бир қимматли жиҳати — Бобур хокининг у туғилиб ўсган Андижон шаҳрига келтирилишидир.

Андижоннинг Боғишамолида очилган Бобур музейи, аввало, мустақиллик йилларида буюк аждодларимизнинг пок номларини тиклаш ва уларнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш бўйича яратилган катта имкониятлар мевасидир. Ундаги ноёб экспонатларни топиш, ташкил этишда халқаро Бобур жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов ва сафдошлари самарали иш олиб бордилар.

Республика Киночилар уйида ана шу ҳужжатли фильм тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқалар ушбу фильмнинг тарихий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирдилар.

— Мақсадимиз Бобур номли халқаро экспедиция фаолиятидан ҳикоя қилиш, бобоқалонимиз шахсига оид, ҳаётини ўрганишга доир жараёнлар билан халқимизни таништириш эди, — дейди фильм режиссёри Собир Назармуҳаммедов. — Бу ҳали дебочаси. Келажакда Зокиржон Машрабов бошлиқ экспедиция фаолияти ҳақида кўплаб фильмлар яратиш ниятларимиз бор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Танаффус»дан кейинги хирмон

Оролбўйида юзага келган бир неча йиллик қурғоқчиликдан сўнг, ниҳоят Қорақалпоғистонда шоли етиштирилди. Жорий йил баҳори ниҳоясида Қуйи Амударё воҳасига катта миқдорда етиб келган оби-ҳаёт муайян майдонларга "сариқ олтин" уруғини сепиш имконини берди. Нукус, Тахтакўпир, Қўнғирот, Қанғлиқўл, Қораўзак, Чимбой туманларининг айрим хўжаликлари ана шу имкониятдан баҳоли қудрат фойдаланган эдилар.

Агротехник муддатлардан хиёл кейинроқ экилган шолиларнинг пишиб етилиши бир оз кечиккан бўлса-да, ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олишга эришилди. Давлатга 33800 тонна шоли сотилди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қайта ишлаш корхоналарида

Гиждувон толаси

хориж бозорида ҳам харидоргир

Жаҳон андозаларига мос, юқори самарали технологияга асосланган замонавий корхонани саккиз ой ичида қуриб битказиш мумкинми? Мумкин экан. Гиждувонликлар буни амалда исботладилар. Жорий йил бошларида янги пахта тозаш заводининг ҳозирги ўрни бўм-бўш майдон эди. Авжи қиш чилласида бинога дастлабки пойдевор қўйилди, қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилди. Чунки фурсат жуда оз, корхонани пахта мавсуми бошлангунга қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган эди. Иншоотни барпо этишда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар анча-мунча бўлса-да, "Бухоро-қурилиш" ҳиссадорлик жамиятига кўпроқ ишонч билдирилди, барча куч ва имкониятлар бир мақсад йўлида сафарбар этилди.

Эндиликда бу жойни танимайсиз. Замонавий меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган тўрт қаватли кўркам маъмурий бино узоқданоқ кўзга ташланиб туради. Атрофи обод, гулзор. Мавжуд цехларда унумли меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Айтиш мумкинки, корхонанинг фойдаланишга топширилиши мустақилликнинг 11 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди. Бу ерда асосий иш жараёнлари тўлиқ механизациялаштирилган. Мавжуд ускуналар эса юқори техник қувватга эга бўлиши билан бирга, иқтисодий жиҳатдан тежамли ҳамдир.

— Янги иншоотни барпо этиш ҳаётий зарурат эди, — дейди биз билан суҳбатда "Гиждувон пахта тозалаш заводи" очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси Рашид Жамилов. — Бунинг ўз сабаблари бор. Завод ишга тушганига салкам етмиш йил бўлди. Мавжуд технологик жараёнлар эскириб, замон талабларига жавоб бермай қолди. Бу — биринчиси. Иккинчидан, экология муаммоси ўткирлашди. Корхона шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашгани боис унинг цехларидан чиққан зарарли чанг ён-атрофга тарқалиб, аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғдира бошлади. Нима қилиш керак?

Бирдан-бир чора заводни бошқа жойга кўчириш эди. Кўриб турибсизки, вилоят ва туман ҳокимликларининг амалий ёрдами билан бу хайрли иш ғоят қисқа муддатда амалга оширилди. Заводимиз мавсум давомида 60 минг тонна пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватига эга. Уни барпо этишда вилоятдаги тармоқ корхоналари жамоалари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. "Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги корхонаси қурилиш ишларида бош пудратчи сифатида иштирок этди. Ускуналарнинг бир қисми Россия, Украинадан келтирилди. Умуман, уни барпо этиш учун 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Пахтани тозалаш, чигитдан ажратиш, тойлаш жараёнлари автоматлаштирилган. 3 та автотарози, 30 та тушириш ва узатиш мосламалари, 3 та лаборатория эртаю кеч ҳаракатда.

Яна бир муҳим жиҳат. Эски заводда мавжуд цехлар тарқоқ ҳолда жойлашган бўлса, ҳозиргисида тўлиқ марказлаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу ҳисобдан электр энергияси, техник қувватлар ўттиз фоизга тежалаяпти. Хомашёни қайта ишлашда қисқа технологияга ўтилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, янги завод ишлаб чиқариш қўлами ва техник салоҳияти жиҳатидан ҳозирча вилоятда ягонадир.

Биз бунда нималарни назарда тутаяпмиз? Аввало, корхона аввалгисига нисбатан икки ҳисса кам (17 гектар) майдонни эгаллаган. Тайёр маҳсулот, пахта хомашёси, техник чигит сақланадиган омборлар, ёнғинга қарши қураш тизимлари замонавий талаблар даражасида. Украинадан келтирилган "ДБ-8237" русумли тойлаш ускунаси фойдаланиш учун қулай бўлиши билан бирга, техник жиҳатдан тежамли ҳамдир. Ҳозирги кунда ана шундай русумли 3 та мослама эски андозадаги 8 та ускунанинг хизматини бемалол "уддалаяпти". Натижада ой сайин анча-мунча маблағни иқтисод қилиш имконияти туғилаётир. Хомашё, тайёр маҳсулот сифати ва миқдори автоматик усулда назорат қилиб борилади.

Албатта, бу каби ижобий ўзгаришлар фақат ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас. Корхонада 510 киши меҳнат қилади. Жорий йил пахта ҳосилини қайта ишлаш ҳисобидан 130 миллион сўм атрофида соф даромад олиш кўзда тутилмоқда. Демак, толачларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой бўлади, деб ҳисоблайверинг. Корхона биносини лойиҳалаштиришда маданий-маиший қулайликлар ҳам унутилмаган. Ошхона, чойхона, тиббий хизмат шохобчалари, мармар фаввора, спорт мажмуи — бари муҳайё. Бу эса жамоада юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, ишдан бўш вақтни кўнгилли ўтказиш учун қулайлик туғдираяпти.

Бир гуруҳ ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашгач, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Абдумалик ҲАСАНОВ, смена бошлиғи:
— Гиждувон пахта тозалаш заводи ўз тарихи ва анъаналарига эга. Кўп йилдан бери шу ерда меҳнат қиламан. Очиғи, ҳозиргидек имконият ҳеч қайси замонда бўлмаган. Мустақиллик шарофати билан жамоамиз ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз бераяпти. Бизда иш уч сменада ташкил этилган. Малакали мутахассислар етарли. Янги завод ўзининг техник қувватларини тўла намоён этаяпти. Агар эски корхонада бир кеча-кундузда 2 тонна тола ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозиргисида бу кўрсаткич икки ҳисса кўпроқ. Самара ва манфаатдорлик ҳам шунга яраша.

Қудрат ЭШПЎЛАТОВ, созловчи-чилангар:
— Бу йил пахта йили бўлди. Кўриб турибсиз, хирмонларимиз кўкка бўй чўзиб турибди. Цехларда эртаю кеч меҳнат қизғин. Хомашёни туширши, узатиш, тойлаш жараёнлари тўлиқича техника зиммасида. Бу эса биз, созловчилардан алоҳида масъулият талаб этади. Шу боис эртаю кеч ҳушёрликни қўлдан бермасликка интилаяпмиз. Мавжуд техника ва ускуналар янги бўлса-да, алоҳида эътиборни талаб этади. Маошларни тарқатишда узилиш бўлаётгани йўқ: ойма-ой олиб турибмиз. Қўли пул кўрган одам нима қилади, албатта, яхшироқ ишлаш пайида бўлади-да!

Зайтуна ҚУРБОНОВА, лаборатория ходими:
— Замонга қараб талаб ва эҳтиёж ҳам ўзгариб бораяпти. Тола сифати, унинг меъёрий андозаларга мослиги лаборатория таҳлиллари орқали аниқланиши барчага маълум. Илгари ускуналар эскирганлиги учун стандарт меъёрларини белгилашда қийинчиликларга дуч келардик. Янги корхонада бундай муаммонинг ўзи йўқ. Чунки барча мосламалар янги, боз устига, фойдаланиш учун қулай. Хоналар шинам, озода. Бундай жойда ишлашнинг ўзи роҳат!

Юқоридаги эътирофларда тўла асос бор. Дарҳақиқат, туман маҳаллий саноатини ривожлантириш йўлида яна бир қадам ташланди. Бунинг иқтисодий ва экологик аҳамияти хусусида гапириб ўтдик. Янги корхонада асосан Гиждувон далаларида етиштирилган ҳосил қабул қилиниб, қайта ишланмоқда. Туман пахтакорлари жорий йилда ҳам ўз аҳдларига содиқ қолдилар: давлатга 41, 5 минг тонна саноат хомашёси етказиб берилиб, шартнома режаси ошиги билан бажарилди. Ҳосилдорлик ўртача 35,5 центнерни ташкил этди. Ҳосилдан бўшаган майдонларда эса кузги-қишки тадбирлар жадал амалга оширилиб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиляпти.

Таъкидлаш жоизки, Гиждувон толаси жаҳон бозорида ҳам харидоргир. Буюртмачилар сафининг йил сайин ўсиб бораётганлиги шундан далолат беради. Корхона ўнга яқин мамлакат саноатчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Янги қосилнинг дастлабки тонналари ҳам истеъмолчиларга етказиб берилди. Ана шу ҳисобдан иқтисодий манфаатдорликни ошириш, қўшимча ускуналар сотиб олиш режалаштирилмоқда. Зеро, ижодий меҳнат ва аҳиллик бўлган жойда эзгу мақсадлар ушалаверади.

Носир ТОШЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзлигини таниётган ўзбегим

Озодлик — кўклайдиган замин

Одам боласига Ҳақдан берилмиш гўзал туйғуларнинг номи ҳам гўзал: жасорат, муҳаббат, қатъият, собитлик... Назаримда, айтиб, эшитганда юрагинг қувватланадиган бу туйғулар ўсадиган, кўклайдиган замин бу — Озодлик. Инсон руҳидаги мутелик, иккиланиш, ҳадик-хавотирдан қутула боргани сайин ўзини қодирроқ, ўткирроқ, уддабуронроқ ҳис этади. Мен сафарларда ана шу ҳақиқатни далиллайдиган воқеа-ҳодисаларни, одамларни кўпроқ излайман. Улар ўзига, фарзандлари, эл-улусига қанчалик зарур бўлса, менга ҳам шунча керак.

Озодлик миллатимизни ўзгартиради, деган ишонч учун керак.

Эртага бундан кўра ҳам кўпроқ ўзгартиради, деган умид учун керак.

Бу галги сафарим — Қашқадарёга.

— Турли жамғармаларга икки-учта лойиҳа ишлаб топширдим. Ҳуқуқий, назарий жиҳатдан асослаш учун ҳам ҳуқуқшунос, ҳам тадбиркор бўлиш керак экан. Бирортаси қабул қилиниб, грант олишга муваффақ бўламан, деган ишончим бор, — дейди Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Аср аёли» жамғармаси бошлиғи Хосиятхон Акрамова.

Агар у кутилган натижага эришса, Қарши шаҳридаги Қарлуқбоғот маҳалласида аёллар ва кам таъминланган оила фарзандлари учун ўқув маркази очмоқчи. Мақсади — уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва болаларга компьютер сабоғини бериш.

Хосиятхон — иқтисодчи, шеър ҳам ёзади, қиз чиқариб, невара кўрган аёл. Ўз ташвиши ўзига етарли. Аммо шу ташвишу қувончлараро ён-атрофидаги аёллар ва болалар ҳақида ўйлаётгани, куюнаётгани менга жуда ёқимли туюлди.

— Қани энди, мактабларимиз, лицей, коллежларимизда «Матбуот» деб номланувчи дарс ўтилса, — дейди вилоят хотин-қизларининг «Нафосат» газетаси бош муҳаррири Сайёра Зоирова.

— Ўғил-қизларимиз ҳар кунги матбуот билан таниш-са, таҳлил, муҳокама қилса, муносабат билдирса, фикрлари чархланарди, — дея уни қувватлайди Қарши педагогика иқтисодиёт коллежи муаллимаси Бўритош Носирова.

Бу шунчаки таклиф-мулоҳазалар эмас. Булар буюк миллат, буюк халқ деб аталувчи катта йўлга ўз-ўзича сўқмоқ излаётган фаол, жонсарак аёллар. Сафарим давомида кузак шамоллари юзларини қорайтирган, кўриниши, кийиниши бир-бирига ўхшаш, аммо ҳар бирининг ўзига хос дунёси бор турфа опа-сингилларимизни кўп учратдим.

Бири — Деҳқонобод туманидаги «Сетора» хусусий фирмаси бошлиғи Рўзихон Очилова.

— Яратган мени 12 нафар қоракўз билан сийлаган, бирини ерга бердим, қолганлари қабатимизда, — дейди Рўзихон опа.

У узоқ йиллар туман касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлаган экан. Мустақиллик бўлиб, тадбиркорликка йўл очилгач, эри Йўлдош ака, ўғиллари билан «Бизнес фонд»дан кредит олиб, иш бошлабдилар. Бугун бу оиланинг 12 нафар қиз-келинчак ишлаётган тикув цехи, қурилиш материаллари дўкони, нон ва макарон ишлаб чиқарувчи кичик цехи, чорваси бор.

Деҳқонободда кейинги йиллар қурғоқчилик бўлди, осмонга қараб кун кўрадиган, яъни буғдой ва чорвадан умргузаронлик қиладиган эл бир оз қийинчилик кўрди. Шундай шароитда Рўзихон Очилова «Атрофда мана бундай шароит, эрта-индин нима бўлади?» деб иккиланмади. «Пахтабанк»дан яна 10 миллион сўм кредит олди.

— Тўхтаб, тиниб қолган пулим йўқ, ишлаб турибди. Аммо ангор зотли туёқларим юнгига кейинги пайтда харидор ахтараяпман. Тошкентга бир неча марта бориб келдим. Аслида бу навли юнга жаҳон бозорида харидор кўп. Фақат биз бир-биримизни тополмаяпмиз. Агар шу молим сотилса, юнгдан буюм ишлаб чиқаришни йўлга қўярдим, техника келтирардим.

Рўзихон опа бугунги тадбиркор сармоядор бўлиш билан бирга илмли бўлиши кераклигини, у компьютерда ишлаб, жаҳон сармоядорлари билан муносабатга кириша олиш кучига эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Ёши 50 дан ошган, бир пайтлар врачнинг топшириғи билан беморнинг қўл-оёғига нина санчиб юрган аёлнинг иш имконлари, фикрлаш имконлари бугун анча кенгайган. У туман болалари шуғулланаётган «каратэ» клубига 60 минг сўм хайрия маблағи ўтказибди. Бундан ташқари, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, бир пиёла чой устидаги дийдорлашувларга ёрдам берибди.

Демак, озодлик имконлари туфайли бойиган инсоннинг руҳияти турли-туман қинғир-қийшиқ йўллар билан бойиган киши кечинмаларидан фарқ қилар экан. Уларнинг сармояси яхшидан келиб, яхшига харж бўлар экан.

— Сизни яна бир ажойиб аёл билан таништираман, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Холбоева. — Мунаввар опа Ҳамроева Қарши Давлат университети катта ўқитувчиси, учта фарзанди хорижда таҳсил олаяпти.

Мен уч фарзанди хорижда таълим олган, олаётган аёлни бошқача тасаввур этаман. Камида «Мерседес»да келади, қўлида чўнтак телефонлари-ю, алламбало сумкалар, энг сўнгги урфдаги либослар... Ахир, бундай опа шу тарз юришга муносиб-да... Аммо менга қорачадан келган чайиргина, оддийгина, ихчам кийинган, ўқитувчидан кўра касаба уюшмаси ходимларига ўхшаб кетадиган аёл рўпара келди.

— Нодирбек тўнғичим, иқтисодчи. Японияннинг «Жайка» дастури грантига эришиб, кунчиқар юртда ўқиб келди. Ҳулкар қизим — журналист. Лазизбек — ҳуқуқшунос. Иккови ҳам «Умид» жамғармаси гранти билан хорижда ўқияпти. Ҳулкар — Германиянинг Дрезден шаҳрида, Лазизбек — Японияннинг Токио университетида.

Жарроҳнинг битта қалтис хатоси билан ҳаётдан эрта кўз юмган Чоршанби Норқобилов вафот этганда бу болалар ёш эди. Мунаввар опа уларнинг соат-соатигача уй юмуши, спорт ва ўқишга тақсимлаб қўйди. Кечқурун чарчаган, толиққанига қарамай, ҳар фарзандининг кундалик ҳисоботини тинглаб, дарсларини назорат қиларди.

— Агар Ўзбекистон мустақил бўлмаганида болаларим нари борса, Москвада ўқирди. Бунга ҳам кўзим етмайди. Чунки мен уларга керакли маблағни топиб берармидим, йўқми? Ҳозир мен уларнинг ўқишига бир сўм сарфлаганим йўқ. Ўз қобилиятлари ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли океан, денгизлар оша энг нуфузли ўқув масканларида таълим олишмоқда. Улар юртимизга, билим билан бирга, узоқ вақт озод яшаган юртлар об-ҳавосини олиб келади.

Мен Мунаввар Ҳамроевани бекорга касаба уюшмаси фаолига ўхшатмабман. Опа Қарши шаҳридаги «Қарши» фуқаролар йиғини раиси ҳам экан. Яна минг истеъдоди бор инсонга мустақиллик эҳсон қилган минг биринчи истеъдоднинг кўриниши... Мен ўзим суҳбатлашган, суҳбатларидан кўнглим ўсган бу аёллар билан Қашқадарё кенгликларидаги, айниқса, тоғ ораликларида яшаётган опа-сингилларимиз, яйловларда — чўпон ўтовларидаги келинқизлар орасидаги масофаларни чамаладим. Бу масофаларнинг қисқа бўлишини, Рўзихон опа ва Мунаввар опа интилиш, имконлари ўша ҳудудлар, ўша ўтовларга кириб боришларини тиладим.

Муҳими, ўзликни топиш, ўз қалбини уйғотишга муттасил ҳаракат бор. Ахир, бир ёзувчи айтмоқчи, биз учун ғалабагача бўлган ҳаракатлар, ҳаяжонлар ғалаба қадар муҳимдир.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

Гор сайловда қатнашмоқчи эмас

«Газета.RU» агентлигининг хабар беришича, АҚШ собиқ вице-президенти Альберт Гор 2004 йилда мамлакат президентлиги учун ўтказилажак сайловда қатнашмаслигини маълум қилган. А. Горнинг фикрича, навбатдаги сиёсий

тадбирда яна Жорж Буш билан курашиш истиқболли эмас. Маълум бўлишича, собиқ вице-президентнинг айни қарори кўлдирган. Ҳозирда Альберт Гор АҚШнинг энг йирик компанияларидан бири - «Metropolitan West Financial»да вице-президентлик лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Қиш қиличини қайради

Қиш қишлигини Москвада қилмоқда, — дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги. Ушбу хабарда айтилишича, ўтган куни Москвада қиш қаҳратонидан 3 нафар киши ҳалок бўлган. Умуман, аёзли кунлар бошлангандан буён 156 нафар киши совуқдан музлаб, ҳаётдан кўз юмган.

Чен Шуйбянь ортга қайтди

«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, Индонезияга йўл олмоқчи бўлган Тайван президенти Чен Шуйбянь ортга қайтишга мажбур бўлган. Маълум бўлишича, Хитойнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи ушбу юрт бошлиғининг сафарини Пекин мулозимлари ХХР ва Индонезия муносабатларига соя ташлаши мумкин, дея баҳолаганларидан сўнг расмий Жакарта намояндалари Чен Шуйбянь билан бўлажак учрашувдан воз кечган.

АЭСлар ўз фаолиятини бошлайди

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Шимолий Корея ҳукумати мамлакатдаги тўхтатиб қўйилган атом электр станциялари тез кунларда ўз фаолиятини қайта бошлашини аён қилган. Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) ташқи ишлар вазирлиги бу ҳолни Корея энергетикасини ривожлантиришга кўмаклашувчи КЕДО ташкилотининг ноябрь ойида мамлакатга мазут етказиб беришни тўхтатгани билан боғламоқда.

1994 йили эришилган битимга кўра, АҚШ Пхеньянга мазут етказиб бериш мажбуриятини олган эди. Эвазига Шимолий Корея ўзининг атом энергетикаси дастурини тўхтатиши лозим эди. Жорий йилнинг октябрь ойида эса Шимолий Корея уранни бойитиш бўйича яширин иш олиб бораётгани маълум бўлиб қолди. Мазкур хабар жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп бор таъкидланди. Натижада АҚШ Шимолий Кореяга мазут етказиб беришни тўхтатди.

Музокара самара берди

Шу кунларда Шри-Ланка халқи кўнглида мамлакатда ниҳоят тинчлик ўрнатилиши, ўттиз йиллик урушга барҳам берилишига умид пайдо бўла бошлади. Бу йил ҳукумат билан "Тамил Илама озодлик йўлбарслари" айирмачи гуруҳи ўртасида ўт очишни тўхтатиш ва оролда тинчлик ўрнатиш борасида бир неча марта музокара бўлиб ўтди. Мулоқотлар, орол аҳолиси интиқиб кутганидек, ижобий якун топмоқда. Томонлар қон тўкиш бефойда эканига, мақсадга фақат музокара йўли билан эришиш мумкинлигига тушуниб етган кўринади.

Сўнгги хабарларга қараганда, ҳукумат билан "Тамил Илама озодлик йўлбарслари" вакиллари ўртасида узоқ давом этган музокарадан кейин, келгусида Жафна оролида федератив давлат тузиш ғояси маъқулланган. Куни кеча Ослода бўлиб ўтган маслаҳатлашувдан кейин шундай қарорга келинди.

Путинга 500 мингта савол

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, шу кунгача Россия президенти В. Путинга мамлакат аҳолиси томонидан қарийб 500 мингга яқин савол тушган.

Маълумки, Кремль раҳбари айни саволларнинг маълум бир қисмига шу йил 19 декабрь куни мамлакат жамоатчилиги билан ўтказилиши мўлжалланган бевосита мулоқот давомида тўғридан-тўғри жавоб қайтариши режалаштирилган. Ушбу мулоқот ташкилотчиларининг айтишича, жамоатчиликнинг бундай саволлари сони бевосита мулоқот пайтида янада кўп бўлади. Маълумки, Кремль раҳбари бундан бир йил олдин ўтказган бевосита мулоқотда ҳам ярим миллионга яқин савол тушган эди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

республиканинг турли ҳудудларида амал қилаётган ишлаб чиқариш объектларини сотиб олишга доир тендерда қатнашиш учун потенциал инвесторларни таклиф этади

Лойиҳа мақсади	Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми	Машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи
Андижон вилояти		
Шоколад қиёмли вафли ишлаб чиқариш	164 млн. ўрам	«Хаас Ваффельмашинен» (Австрия)
Қўй-эчки терисини қайта ишлаш, чарм куртка ва манто ишлаб чиқариш	450 минг дона қайта ишланган тери ва 45 минг дона куртка	«И-ТАКО» (Туркия)
Минерал сув, ичимликлар қуйиш ва цукатлар ишлаб чиқариш	Мин. сув — 11,5 млн. шиша, цукатлар — 57 тн.	«Альберто Бертуцци С.п.А.» (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	Йилига 1,2 минг тн.	«Тетра Пак» (Швеция)
Қашқадарё вилояти		
Хом сурп ишлаб чиқариш	8 млн.пог.м.	«Текстильмаш» ОТАЖ (Россия)
Пишиқ гишт ишлаб чиқариш	64млн.дона	«Керамик Макина» (Туркия)
Навоий вилояти		
Мармар блоклар ишлаб чиқариш	60 минг кв/м	«Педрини С.п.А.» (Италия)
Наманган вилояти		
Қўй-эчки терисини қайта ишлаш ва чарм куртка ишлаб чиқариш	100 минг куртка, 70 минг дублёнка	«И-ТАКО» (Туркия)
Ҳўл мева ва сабзавот шарбатларини халтачаларга қуйиш	307,7 минг халтача	«Пак Лайн» (Исроил)
Вино (мусаллас ва вижирлайдиган) ва ароқ ишлаб чиқариш	йилиги 14 млн. шиша	«Репарасионес Виниколас С.А.» (Испания)
Самарқанд вилояти		
Пайпоқ ишлаб чиқариш (спортбоп ва анъанавий турлари)	Йилига 5 млн. жуфт пайпоқ	«Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта)
Бетон черепица ишлаб чиқариш	йилига 635 минг кв.м.	«Марц» Чехия
Сурхондарё вилояти		
Минерал сув қуйиш	Йилига 1,2 млн.дона 1,5 литрли шиша	«Стека СА» (Франция)
Тошкент шаҳри		
Пойабзал ишлаб чиқариш	722,3 минг жуфт	«Гранучи С.Р.Л.» (Италия), «Данисман Макина Санайи» (Туркия)
Ишлаб чиқариш ва қадоқлаш: - қумоқ-қумоқ печенье - картошка чипси	2,8 минг тн. 0,24 минг тн.	«Имафорни» (Италия) «Ливатти» (Италия)
Ишлаб чиқариш ва қадоқлаш: - ясси вафли - узун кесилган макарон	2,9 минг тн. 9,0 минг тн.	«Хебенштрайт-Рапидо» (Германия) «Брайбанти» (Италия)
Қумоқ-қумоқ печенье ишлаб чиқариш	2,8 минг тн.	«Имафорни» (Италия)
Ясси вафли ишлаб чиқариш	2,9 минг тн.	«Хебенштрайт-Рапидо» (Германия)
Боғлаш материаллари (медицина бинтлари ва марля) ишлаб чиқариш	11 млн.ўрам	«Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта)
Тошкент вилояти		
Оқсил изоляти ишлаб чиқариш	7 минг тн.	«Варта Индастрис Корп.» (Канада)
Болалар пойабзали ишлаб чиқариш	110 минг жуфт	«Вега Маркетинг Г.м.б.х.» (Австрия)
Гранит плиталар ишлаб чиқариш	60 минг кв.м.	«Бретон» Италия
Хоразм вилояти		
Эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш	Йилига 810 минг жуфт	«Берпел С.р.л.» (Италия)
Чармни қайта ишлаш, чарм куртка ва дублёнкалар ишлаб чиқариш	Йилига 300 мингта чарм, 25 мингтадан куртка ва дублёнка	«Дери Максан», «Оздерсан», «Вилдирим» (Туркия), «Москони & Ко» (Италия)
Шарбат, мева бўтқаси ва томат пастаси ишлаб чиқариш	1628,3 тн. томат-пастаси, кетчуп ва 3267,9 минг л. бўтқа-шарбат	Фенко (Италия)
Қорақалпоғистон Республикаси		
Томат-пастаси ва томчилаб суғориш (140 га очиқ тупроқда) тизимини ишлаб чиқариш	Мавсумда 2400 тн. томат-пастаси, минг тн. мева бўтқаси	«Альберто Бертуцци СпА» (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	288 тонна	«Nexus Engineering & Trading S.A»(Швейцария)
Калава, тўқимачилик ва трикотаж полотноси ва улардан буюмлар, медицина бинти ва марля ишлаб чиқариш	9,6 млн.дона бинт ва боғлаш материаллари, 1.100 тн. ипкалава	«Текстайл энд Коттон Компании Лтд» (Мальта)

Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармаси.

Телефонлар: 137-62-75, 137-63-48. www.nbu.com

ЭЪЛОН

"Турон" акциядорлик тижорат банки қуйидаги бошқармаларга мутахассисларни танлов асосида ишга таклиф этади:

Кредитлаш ва иқтисодий таҳлил бошқармасига;
Банк актив ва пассивларини бошқариш бошқармасига;
Ички аудит бошқармасига;
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига;
Ахборотлаштириш ва дастурий таъминот марказига;
Қимматбаҳо қоғозлар бўлимига.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

-Тошкент шаҳрида доимий яшовчи;
-Тошкент молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган;
- олий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши керак.

Маълумот учун телефонлар: 144-34-61, 42-45-80.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 44-уй, "Чорсу савдо маркази" бекати.

6824/2543



Бугунги Шанхай манзараси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 17 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	526,44
1 Англия фунт стерлинги	1476,62
1 Дания кронаси	127,84
1 БАА дирҳами	253,06
1 АҚШ доллари	929,45
1 Миср фунти	201,18
1 Исландия кронаси	11,23
1 Канада доллари	595,50
1 Хитой юани	112,29
1 Малайзия рингити	244,62
1 Польша злотийси	240,54
1 СДР	1246,86
1000 Туркия лираси	0,61
1 Швейцария франки	642,60
1 ЕВРО	948,69
10 Жанубий Корея вони	7,74
10 Япония иенаси	77,04
1 Россия рубли	29,17
1 Украина гривнаси	174,33

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Э Ъ Л О Н

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён қилинган хулоса ва вазифаларни кенг ёритиш мақсадида

«МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»

мавзусида доимий илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Семинарнинг биринчи мажлиси шу йил 17 декабрь куни соат 10.00да Ўзбекистон Фанлар академияси мажлислар залида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми.

Алоқа телефонлари: 133-04-63, 133-14-78.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдолари (тендер)ларни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

вилоятда 2003 йилда қайта таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

- **Андижон шаҳридаги 900/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи (қурилиш техникуми базасида);**
- **Хонобод шаҳридаги 750/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи (касб-ҳунар лицейи базасида);**
- **Андижон шаҳридаги 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган маданият ва санъат касб-ҳунар коллежи (қурилиши тугалланмаган нашриёт биноси базасида).**

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2003 йил август.
Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими.
Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79.**

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79.



«Илм шаҳри, билим шаҳри, Нукусим!»

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимини бошқарган таниқли олим Собир Камоловнинг бутун ҳаёти Нукус шаҳри билан боғлиқ. Қорақалпоғистон пойтахтида фаннинг ривожланиши, илмий муассасаларнинг тараққий этиши бевосита олимнинг ижодий-ташкилий фаолиятига бориб тақалади. Қуйидаги суҳбат шулар ҳақида.

— Собир оға! Сиз қорақалпоқлар орасида биринчилардан бўлиб Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлиб сайландингиз. Кўп йиллардан бери Ороллбўйида илм карвонбошиларидан бўлиб келяпсиз. Қораўзакдаги Қорабуға овулидан отланиб олам кездингиз. Барибир юрагингизнинг бир парчаси Нукус шаҳри билан боғланган, шундай эмасми?

— Илм шаҳри, билим шаҳри ҳисобланган Нукус, ҳақиқатан ҳам, таржимаи ҳолимда, олим сифатида шаклланишимда алоҳида ўрин тутади.

Педагогика институтида ҳам ўқидим, ҳарбий кафедрасида ишладим. Шунда Нажим Давқораев мени ўзи бошқараётган Иқтисодиёт ва маданият илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф қилди. Нажим оға чин маънода илм фидойиси эди. У бизга кўп нарсани ўргатгани билан ҳали олдимизда фаннинг олис ва баланд чўққилари ётганини ҳам яширмасди.

— Ўша пайтга келиб Нукус наинки маъмурий, балки илм-фан маркази бўлиб ҳам шаклана бошлаган эди, шундайми?

— Шаклланганда қандоқ. Фақат Қорақалпоғистон эмас, бутун Қуйи Амударё воҳаси фани ривожланишида Нукуснинг катта ўрни бор. Бунда Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибига кириши ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Чунки ундан олдин мавжуд бўлган битта-яримта илмий-тадқиқот муассасалари Халқ Комиссарлари Кенгаши тасарруфида эди. Раҳматли Қосим Авезов 1933 йилдаёқ уларни Фанлар академияси ихтиёрига ўтказишга уриниб кўрган. Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топгач, Қорақалпоғистонда илм-фан ривожига кенг йўл очилди. 1945 йил кузида академия президенти Қори-Ниёзий бир гуруҳ олимлар билан келиб, Нукусдаги эски театр биносида сайёр анжуман ўтказди. Ўша кунни мен қорақалпоқ фани олдида кенг уфқлар очилган кун, деб ҳисоблайман. Ўшанда мен йигирма иккига қадам қўйган эдим. 1948 йили мен ва И.Қўсбергенов Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти аспирантурасига ўқишга кирдик. Ўшанда устозимиз Яҳё Ғуломов «Йигитлар, ҳозир сизларнинг ўрнингиз Тошкентда эмас, Қорақалпоғистонда", деган эди. У бизни ҳозирги Элликқалъа туманига, Тупроққалъада археологик тадқиқотлар олиб бораётган профессор С.Толстов ҳузурига олиб борди. 1953 йилнинг апрелида XIX асрдаги қорақалпоқлар тарихи бўйича номзодлик диссертациясини ёқладим. Нукус педагогика институтига ректор бўлдим. 1961 йилдан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалига раҳбар бўлиб, то 1996 йилгача ишладим, Қорақалпоғистон фани деганда бир ёки икки олимни назарда тутмаслик керак. Фан соҳасига бирин-кетин Янгибой Дўсумов, Марат Нурмуҳаммедов, Исмоил Сағитов, Чаржау Абдиров, кейинчалик Турсунбой Ешчанов, Абад Давлетов, Жуманазар Бозорбоев, Амин Бахиев, Ҳуснитдин Ҳамидовлар кириб келди.

Истиқлол туфайли бир қанча мамлакатларда, шу жумладан, АҚШда бўлдим. Ҳар гал мустақил Ўзбекистонга, қадрдон шаҳрим Нукусга қайтиб келганимда кўзларимга қувонч ёшлари қалқиб чиқади!

«Халқ сўзи» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.

Тулпор минган шунқорлар

Жиззахда спортнинг улоқ-кўпкари тури бўйича 1-Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди

Аввало, республикада илк бор ўтказилаётган, мустақил мамлакатимизнинг минг-минглаб, балки миллионлаб аҳолисини қизиқтирадиган азалий миллий ўйинимиз — улоқ-кўпкарининг тобора оммалашиб бораётгани қувончли ҳолдир. Юртбошимиз ташаббуси билан алоҳида федерация ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Эндиги вазифа эса мамлакатимиздаги иқтидорли, довюрак чавандоз полвонларни аниқлаш, Республика миллий терма жамоасини шакллантиришдир.

Тўғри, жойларда оломон кўпкари, оломон пойганинг усталари, полвонлари кўп. Кимдир улоқ учун от боқса, бошқа биров мардлар ўйини — кўпкарида улоқ ташлашнинг сир-асрорларини ўрганади. Учқур отларни пойгага тайёрлашнинг ҳам ўзи бўлмайди. Демак, бугунги вазифа ўша от ишқибозларининг, молбоқару полвонларнинг неча-неча асрлар мобайнида тўпланиб, сақланиб келаётган удумларию тажрибаларини намойиш этиш ва уйғунлаштириш ҳамдир.

Хўш, бунга қандай эришилади? Спортнинг янги тури сифатида шаклланаётган улоқ-кўпкари мусобақалари қандай ўтиши керак?

Жиззах отчопари 1-Республика чемпионати иштирокчиларини қалин қор билан кутиб олди.

— Бу ҳам кўпкари учун айни муддао, — дейишди отчопарнинг 5 минг кишилик минбарларини тўлдириб ўтирган томошабинлар.

Мусобақа иштирокчилари — 11 жамоа қуръа ташлаш йўли билан 2 гуруҳга бўлиниб, беллашувларни бошлашди. 1-гуруҳни Жиззахнинг 1-жамоаси, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри полвонлари ташкил этди. 2-гуруҳда Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Жиззах-2 жамоалари беллашадиган бўлишди.

Мазкур чемпионат илк бор ўтказилаётгани, янги қонун-қоидалар жорий этилгани сабабли газетхонлар, ишқибозлару ҳаваскор чавандозлар учун беллашувларнинг асосий қоидалари ҳақида қисқача тўхталиш ўринли бўларди.

Мусобақа учун 200х100 метр ўлчамдаги майдон тайёрланди. Ҳар бири 4 нафар отлиқ полвондан иборат рақиб жамоалар майдоннинг икки томонига қўйилган улкан «тўй қозон»ларга улоқни (32-35 килограммли) ташлашлари лозим. Албатта, улоқ рақиб «тўй қозони»га ташланади. Ҳар бир ўйин 20 минутдан 2 тайм давом этади. Жамоа мураббийи майдондаги полвонларни вазиятга қараб хоҳлаган пайтда алмаштириши мумкин.

— Оломон кўпкарида ҳар доим ҳам кучли полвон ва зўр отларни ажратиб олиш қийин, — дейди форишлик кекса чавандоз, донгдор чўпон Олтибек Тўлаев. — Янги қоидалар чавандозларга қисқа вақтда маҳоратини, кучини кўрсатиш учун етарли имкониятлар беради.

Кўпкари ишқибозининг сўзлари уч кунлик беллашувлар давомида ўз тасдигини топди. 1-гуруҳда 10 тадан очко тўплаган Самарқанд ва Жиззах вилоятлари полвонлари ярим финалга чиқишди. 2-гуруҳдаги Андижон ва Тошкент вилоятлари жамоалари ҳам худди шундай натижа билан ярим финалда ўйнашди.

Шанба кунги ярим финал беллашувларида Тошкент вилояти полвонлари самарқандликлардан устун келишган бўлса, жиззахликлар Андижон вилояти жамоасини 2:1 ҳисобида доғда қолдиришди.

Финал учрашувида пойтахт вилояти чавандозларининг тажрибаси, мусобақаларга пухта тайёргарлик кўргани ўз самарасини берди. Улар мезбонлар «тўй қозони»га икки марта удоқ ташлаб, ўз қозонларини дахлсиз қолдирдилар.

— Ҳаммасидан ҳам менга бу ердаги оммавийлик, кўтаринкилик ёқди, — дейди томошабинлар орасида ўтирган республика сув назорати идорасининг масъул ходими Абдураҳмон Абдуғаниев. — Шундай об-ҳавода Фарғона водийсидан, Қашқадарёдан келишнинг ўзи бўладими?!

Ишқибоз ҳақ гапни айтди. Аммо бир қатор вилоятлар жамоаларининг мусобақаларда иштирок этишмаганини ҳеч ким изоҳлаб бермади. Ҳатто азалдан чавандозлар юрти ҳисобланган Бухоро вилоятидан вакиллар йўқлиги кўпчиликни ранжитди. Сурхон воҳаси чавандозларига нима бўлдийкин, деган саволлар кўп бўлди.

Шу ўринда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидан келган Шавкат, Ғани, Ғайрат, Отабек Назаровлар ҳақида икки оғиз сўз айтмасак бўлмас. Улар оталари-устозлари Хайрулла Назаров етакчилигида ўз ташаббуслари, маблағлари эвазига чемпионатга етиб келишибди. Шавкат Назаров «Оқбўз» лақабли отида рақиблар «тўй қозони»га 3 марта улоқ ташлаб, ғолиблар сафидан ўрин олди.

Шундай қилиб, улоқ-кўпкари бўйича республиканинг 1-чемпиони Тошкент вилояти жамоаси бўлди. Иккинчи ўринни Жиззах, учинчи ўринни Андижон ва Самарқанд вилоятлари чавандозлари эгаллашди.

Энг кучли, кўркам от учун таъсис этилган соврин ва диплом наманганлик Сўлим полвон Эргашевнинг «Кўкча» лақабли отига берилди. Мусобақанинг энг тажрибали, кекса полвони деб Қашқадарё вилояти вакили Худойберди Аллаев тан олинди. Наманганлик Ҳикмат Отақўзиев чемпионатнинг энг ёш, умидли чавандози, деб эътироф этилди.

Ғолиб жамоалар ва полвонларга мукофотлар топширилгандан сўнг Отчопарда Жиззах вилояти ҳокими совринлари учун республикадаги энг сара, кучли полвонлар иштирокида катта оломон кўпкари ўтказилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБОДОНЛАШТИРИШ УЧ ОЙЛИГИ

Қашқадарёда воҳани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, бу борада ҳозир кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди.

Режага мувофиқ, келгуси йилнинг 15 мартигача барча маҳалла ва гузарларда, ширкат ва фермер хўжаликлари дала шийпонлари, оилавий пудратчи ва фермерларга ажратилган ер майдонларининг ён-атрофларига мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, суғориш тармоқларини тозалаш ишлари амалга оширилади.

Тадбирларда вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, оғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан 2002 йилда янгидан фойдаланишга топширилган мактаблар, коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари бинолари ва уларнинг ён-атрофларини кўкаламзорлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, барча спорт иншоотларини 2003 йил Наврўз байрамигача тўлиқ таъмирдан чиқариш режалаштирилди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

Ҳикмат

Яхши иш бўлса, киши кўнгли чоғ бўлур,
Фойдали қилган ишидан кўп яхшилик келур.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1172, 27016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — И. ТУРСУНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00г
Топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6

Офислар, банклар, меҳмонхоналар, муассасалар, шунингдек, фуқаролар
ДИҚҚАТИГА!
Vinlad
Хаётингизни хотиржам қиламиз!
Манзил: Тошкент шаҳри, «Қушбеги» кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: (998 712) 50-99-13, 50-46-13.
Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
E-mail: vinlad@naytov.com
СЕЙФЛАР ВА ЭШИКЛАР, ДАРВОЗАЛАР УЧУН ҚУЛФЛАР, ҚУЛФ ТИЗИМЛАРИ...
ПАССИВ МУҲОФАЗА
Зарбадан ҳимоя: цилиндр корпусидаги бўртиқ.
Пармалашдан ҳимоя: цилиндр корпусининг ҳар иккала қисмида тобланган пўлат қуймалар.
Очишдан ҳимоя: 3 қатор орқама-орқа жойлашган пин ва акспинлар, код тизими ўзгаси элемент воситасида ҳаракатга келтирилади, пин ва акспинларнинг ўзига хос шакли.
Суғуриб олишдан ҳимоя: цилиндрнинг икки қисмини яхлит бир бутун қилиб туташтирувчи ва алоҳида мустаҳкамлик бағишловчи пўлат қисм, тобланган пўлатдан кўндаланг поналар, махсус шайба.
ОДДИЙДАН МУРАККАБГА.
ФАОЛ МУҲОФАЗА
ПАТЕНТЛАНГАН ТИЗИМ: ҳаракатчан элементли калит.
КАЛИТНИНГ МУМКИН БЎЛГАН КОМБИНАЦИЯЛАРИ: 8 миллиарддан зиёд.
Никель ва кумуш калит: фақат CISA фирмаси ва авторлашган дистрибьютер томонидан ясалиши мумкин бўлган ясалувчи махсус патентланган кодли қисм билан.
CISA
Қулф ва қулф тизимлари ишлаб чиқаришга 1926 йилдан бошлаб ихтисослашган Италия фирмаси.
Қулфни идентификациялаш варақаси: калитнинг нусхасини муаллифий тайёрлаш учун. Нусха фақат CISA фирмасининг ўзи томонидан тайёрланиши мумкин, бунинг учун қулфни идентификациялаш варақасини тақдим этиш зарур.
СЕЙФЛАР
ҚУЛФЛАР
«УСТА КАЛИТ» ТИЗИМИДА ЦИЛИНДРЛАРНИНГ ИМКОНИ БЎЛГАН МИКДОРИ:
- «Уста калит» тизими учун ҳар хил 85 000 000 цилиндр;
- талабга кўра бошқа шакллар мавжуд;
- КА — бир хил кодли калитлар;
- МК — уста калитнинг икки даражали тизими;
- GMK — уста калитнинг уч даражали тизими;
- GGMK — уста калитнинг тўрт даражали тизими;
- CE — марказий тизим (масалан, турар жой биносига кириш эшиги барча калитлар билан ва ҳар бир хонадон ўз калити билан очилади ёки директор ўз калити билан ўз иш хонаси, ходимларнинг хоналари, омборлар эшикларини очади, лекин ходимлар директор хонаси эшигини оча олишмайди);
- CA — қурувчининг калитидан фойдаланилган тизим.
Очилмаслик кафолатлари
«очиқ-ёпиқ» циклининг 100 000дан кам бўлмаган цикли (EN 1303 меъёрларига мувофиқ ишончлилик даражаси 6).
EN меъёрларига биноан сертификатланган, ишончлилик даражаси 6, махфийлик даражаси 5.

МАЪЛУМОТ
Акциядорлик тижорат банк «АЛОҚАБАНК»
амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни бажариш бўйича ўз фаолияти ҳақида қуйидагиларни маълум қилади.
2002 йил 10 декабрь куни «Алоқабанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлисда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:
1. АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йил 11 ойи ичидаги фаолияти натижалари тўғрисида.
2. АТБ «Алоқабанк» акциядорларига оралиқ дивидендларни тўлаш тўғрисида.
3. АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йилдаги фаолияти натижаларини текшириш учун ташқи аудитор компаниясини тасдиқлаш.
Мажлис кун тартибидаги масалалар муҳокамаси ва саноқ комиссияси тузган ҳисобот бўйича ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар овозлари қуйидагича тақсимланди:
- «АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йил 11 ойи ичидаги фаолияти натижалари тўғрисида»ги биринчи масала бўйича банк фаолияти қониқарли деб тушган таклифга иштирокчиларнинг 100 фоиз овози берилди.
- «АТБ «Алоқабанк» акциядорларига оралиқ дивидендларни тўлаш тўғрисида»ги иккинчи масала бўйича оддий акцияларни капитализация қилиб, уларни банкнинг устав капиталини кўпайтиришга жалб қилиш таклифига 85,5 фоиз овоз розилик билдириб, 6,66 фоиз овоз «қарши», 7,8 фоиз овоз «бетараф» бўлди.
- «АТБ «Алоқабанк»нинг 2002 йилдаги фаолияти натижаларини текшириш учун ташқи аудитор компаниясини тасдиқлаш» тўғрисидаги учинчи масала бўйича шу мақсадда «Эрнст Эндянг» фирмасини таклиф қилишга 100 фоиз овоз берилди.
Мажлисда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 88,07 фоиз акциялар иштирок этди.
АТБ «Алоқабанк».

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси физика-математика фанлари доктори, профессор Иззаттилла Нуриддиновга турмуш ўртоғи
Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВАнинг
фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси таҳририят ходими Мавлуда Сулаймоновага отаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсаттан маданият ходими, фахрий журналист
Исмоил СУЛАЙМОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети жамоаси Жаҳон адабиёти кафедрасида кўп йиллар ишлаган доцент
Муҳсин ОЛИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти жамоаси Информатика кафедрасининг мудири, профессор Иззаттилла Нуриддиновга турмуш ўртоғи, институтнинг собиқ ходими, фалсафа фанлари номзоди
Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Ҳозирги ўзбек тили бўлимининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Эрнст Бегматовга турмуш ўртоғи
Сапура БЕГМАТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Физика кафедраси мудири, доцент Ҳасан Дадахўжаевга волидаи муҳтарамаси
МУКАМБАР аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.